

**THE EFFECT OF CHANGING THE RATE OF NITROGEN  
FERTILIZERS ON THE AMOUNT OF FAT IN SOYBEAN SEEDS**

Мирзаев Нуриддин Файзуллаевич

Жанубий деҳқончилик илмий тадқиқот институти

Мойли ва ноанъанавий экинлар генетикаси ва

селекцияси лабораторияси мудири, к/х.ф.ф.д.

**Abstract:**

The article describes the effect of changing the level of oil content of nitrogen fertilizers in light gray soils of the Kashkadarya region, such as local and imported varieties Tumaris Man-60, Oydzhamol, Selecta-201, Amigo.

**Keywords:** Soybean, variety, fertilizer, yield, oil, quantity, nitrogen, rate, phosphorus, potassium.

**Аннотация:**

Ушбу мақолада Қашқадарё вилояти оч тусли бўз тупроқлар шароитида соянинг маҳаллий ва хориждан келтирилган Тумарис Ман-60, Ойжамол, Селекта-201, Амиго каби навларни азотли ўғитлар билан озиқлантирилган меъёрлари мойлилик даражаси ўзгаришини таъсири ёритиб берилган

**Калит сўзлар:** Соя, нав, ўғит, экин, мой, миқдор, азот, меъёр, фосфор, калий.

**Аннотация:**

В статье описан эффект изменения уровня масличности азотных удобрений в условиях светло-серых почв Кашкадарьинской области, таких как местные и импортные сорта Тумарис Ман-60, Ойджамол, Селекта-201, Амиго.

**Ключевые слова:** Соя, сорт, удобрение, урожай, масло, количество, азот, норма, фосфор, калий.

Соя ўсимлиги озиқ-овқатда, техникада, консерва тайёрлашда, сут, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда, ем-хашак сифатида

ишлатилади. Соянинг бундай ишлатилиши доннинг сифатига боғлиқ, таркибида 30-52% 45 оксил, 17-27% мой бўлади ҳамда 20% карбон сувлари мавжуд. Соянинг оксили юқори сифатли, сувда тўла эрийди, яхши ҳазм бўлади. Глицин аминокислотаси кўп бўлиб, бу айтишда иштирок этиб, сут-катиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш мумкин бўлади. Соя донидан мой, маргарин, пишлоқ, сут, ун, қандолат маҳсулоти, консервалар ишлаб чиқилади. Мойи лак бўёғ саноатида, совун ишлаб чиқаришда қўлланилади, ер юзида ишлаб чиқарилаётган ўсимлик мойининг 40% ни соя мойи ташкил қилади.


Л.В. Омелянюк ва бошқаларнинг (2013) маълумотларида, Ғарбий Сибирнинг жанубий ўрмон-даштида ўтказилган тадқиқотларида, соя дони ҳосилдорлиги билан ундаги оксил миқдори ўртасида кузсиздан кучлигача ўзгариб турадиган ижобий боғлиқлик мавжудлиги, соя ҳосилдорлиги билан ундаги мой миқдорининг боғлиқлиги ўртасида салбий боғлиқлик аниқланган [1.].

О.В. Мельникова, К.О. Тарантай (2019) тадқиқотларида ўртача мой миқдори назорат (ўғитсиз) вариантда Припять навида 17,5%, Танаис навида 18,7%,  $N_{30}P_{30}K_{30}$  вариантда Припять навида 17,8%, Танаис навида 19,2%,  $N_{60}P_{60}K_{60}$  вариантда Припять навида 17,1%, Танаис навида 19,1%,  $N_{90}P_{90}K_{90}$  вариантда Припять навида 17,2%, Танаис навида 18,9% ни ташкил этгани ҳолда, минерал ўғитлар миқдорининг ошиб бориши билан дон таркибидаги мой миқдорининг камайиши кузатилган [2.5].

О.Ю. Ренёваннинг Челябинск вилоятининг жанубий ўрмон-дашт зонаси шароитида тадқиқотларига кўра, етиштирилган соя донининг кимёвий таҳлили шуни кўрсатдики 40 кг/га меёрта ўғитлар қўлланилганда дон таркибидаги оксил, мой ва кул миқдори Соер 1 ва Соер 4 навлари бўйича сезиларли даражада ўзгармади. 40 кг/га меёрта азотли ўғитларни қўлланилиши билан дон таркибидаги оксил миқдори ошган бўлса, мой таркиб фосфорли ўғитлар қўлланилган вариантларда ошди [3.4.].

Тадқиқотларимизда, назорат (азотсиз) вариантда мой миқдори 17,6-19,3% бўлиши, навлар бўйича таҳлил қилинганда энг юқори кўрсаткич Ойжамол навида (19,3%) ва энг паст кўрсаткич Селекто-201 навида (17,6%) қайд қилинди (1-расм).

Тадқиқотларимизда, азотли ўғитлар 60 кг/га қўлланилган вариантда дон таркибидаги мой миқдори ошиши, ўртача 19,3-21,1% бўлиши, 90 кг/га меъёрида қўлланилганда 20,8-22,6% бўлиши, 120 кг/га миқдорда озиклантирилганда эса 21,9-22,9% бўлиши аниқланди.



**1-расм. Соя навларини етиштиришда мойлилик даражасининг ўзгариши**

Энг юқори азотли ўғит меъёри қўлланилган, N<sub>150</sub> вариантда эса дон таркибидаги мой миқдори 21,2-22,3% назорат вариантга нисбатан 3,0-3,6% юқори бўлиши, N<sub>120</sub> вариантга нисбатан эса 0,6-0,7% пасайиши аниқланди. Навлар бўйича таҳлил қилинганда энг юқори кўрсаткич N<sub>120</sub> вариантда Ойжамол навида (22,9%), энг паст кўрсаткич эса назорат (азотсиз) вариантда Селекто-201 навида (17,6%) бўлиши аниқланди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, республиканинг жанубий минтақаси (Қашқадарё вилояти оч тусли бўз тупроқлари) шароитида соя етиштиришда юқори миқдорда мой олишни таъминлашда, гектарига 120 кг азотли ўғит қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Азот миқдорининг 120 кг/га дан оширилиши мой миқдорининг камайишига олиб келади. Буни азот миқдорининг гектарига 150 кг қўлланилганда соянинг кучли ўсиши (ғовлаши) доннинг тўлиқ етилмаслиги ва дон таркибида мой шаклланишига салбий таъсир этиши билан изоҳлаш мумкин.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Омелянюк Л.В., Юсова О.А., Козлова Г.Я., Асанов А.М. Урожайность и качество зерна сортов сои в условиях южной лесостепи Западной Сибири // Вестник Алтайского государственного аграрного университета. - 2013. - № 11 (109). -С. 26-29.
2. Мельникова.О.В., Тарантай.К.О., Влияние доз минерального удобрения на урожайность и качество зерна сои в условиях юго-западной части центрального региона России. Ж: Вестник Алтайского государственного аграрного университета №2(172). 2019. –С. 30-35.
3. Ренёва.О.Ю.. Влияние удобрений и норм высева на урожай и качество зерна сои. Ж: Агрономия и лесное хозяйства. Ж: Известия Оренбургского государственного аграрного университета. 4 (32) 2011. – С.75-77.
4. Келехсашвили, Л. М. (2021). Экономическая эффективность и энергетическая оценка возделывания сои в зависимости от сроков сева. Научная жизнь, 16(6), 701-709.
5. Юркова, Р. Е., Докучаева, Л. М., & Балакай, Г. Т. (2022). Роль минеральных удобрений при возделывании сои. In Инновационные технологии-основа модернизации агропромышленного комплекса, посвященная 85-летию профессора Кривко Н. П (pp. 24-30).
6. Соглаев, С. В., Малышева, Е. В. (2019). Оптимизация минерального питания сои в тульской области. In Молодежная наука-гарант инновационного развития АПК (pp. 232-235).